

ЁШЛАРДА КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Юлдашева Ўғилой Шариповна

Олтиарик 2-сонли касб-хунар мактаби ҳуқуқ фани ўқитувчиси

Аннотация: *Мазкур мақолада, ёшлар онгида антикоррупцион тафаккурни шакллантириш, ушбу жараёни амалга оширишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг тутган ўрни ва долзарблиги. Коррупцияга қарши курашишнинг миллий-маънавий асоси, шунингдек, Республикамизда амалга оширилаётган антикоррупцион ислохотларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *Коррупция, антикоррупцион тафаккур, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, маънавият, қадрият, ҳалоллик вакцинаси, коррупцияга қарши курашиш, чет эл тажрибаси, ижтимоий касаллик.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается формирование антикоррупционного мышления в сознании молодежи, роль и актуальность правосознания и правовой культуры в реализации этого процесса. Освещены национально-нравственные основы борьбы с коррупцией, а также сущность проводимых антикоррупционных реформ в Республике.*

Ключевые слова: *Коррупция, антикоррупционное мышление, правосознание и правовая культура, духовность, ценности, вакцина честности, антикоррупция, зарубежный опыт, социальная болезнь.*

Бугунги кунда янгиланаётган жамиятимиз ҳаётида амалга оширилиб келинаётган туб ислохотларнинг асосий мақсади – инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Истиқлолни қўлга киритганимиздан кейинги йиллар, айниқса, ривожланишнинг иккинчи босқичи (2017 – ҳ.в) мобайнида Республикамизда демократик тамойилларга асосланган ҳолда, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, шу билан бир қаторда, халқимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш учун зарур бўлган барча шарт – шароитлар вужудга келтирилмоқда. Сўнги йиллар давомида мамлакатимизда Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли фуқароларимиз айниқса, ёшлар ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бермоқда, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккури шак – шубҳасиз мазмунан юксалиб бормоқда.

Ҳар қандай давлат ўзининг соғлом жамиятини қуришга уринар экан – бунда халқнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тафаккурини ижобий томонга ўзгартириши, уларнинг онгу-шуурида бунёдкорлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларини ривожлантириш асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнларда жамиятда антикоррупцион тафаккурни шакллантириш

алоҳида аҳамиятга эгадир. Зотан, жамият ривожига ғов бўлаётган иллат – бу коррупция балосидир [1].

Ҳозирги вақтга келиб давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда коррупциядан холи жамият яратишга қаратилган чора-тадбирлар давомли тарзда амалга оширилиб келинмоқда. Юртбошимиз томонидан “Ҳалоллик вакцинаси”нинг тилга олиниши ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳар биримиз учун дастуриламал вазифасини ўтаб келмоқда.

Дарвоқеа, энг аввало коррупция сўзига таъриф бериб ўтсак. Коррупция – (маънавий жиҳатдан шахс ва миллатнинг бузилиши, разиллашиши) лотинча, сорруптио – пора бериб сотиб олиш – одатда мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва аҳлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатадиган атама.

Transparency International, Жаҳон Банки ва бошқа халқаро ташкилотлар коррупция деганда ишониб топширилган ҳукмронлик қилишни шахсий манфаат йўлида суистеъмол қилишни тушунадилар [2].

Шунингдек, коррупция бу – хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, пора бериш, пора олиш, ваколатларини суистеъмол қилиш, тижорат асосида пора бериб сотиб олиш ёки жисмоний шахснинг ўзи учун ёки учинчи шахслар учун пул, қимматбаҳо нарсалар, бошқа мулк ёки мулкый характердаги ҳуқуқлар ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни қўлга киритиш мақсадида давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзининг хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши ёки бошқа жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган шахсга бундай фойдани ноқонуний равишда тақдим этиш; шунингдек, кўрсатилган ҳаракатларни юридик шахс номидан ёки унинг манфаатларида бажаришдир [3].

Дарҳақиқат, коррупция – бу ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг ва яқунида эса давлат ва жамиятнинг ривожланишига ҳам жуда катта тўсиқдир. Коррупция илллати – бу шунчаки жиноят ёки маълум тоифадаги ҳуқуқбузарликнинг кўриниши бўлибгина қолмай, балки у маънавий - ижтимоий ҳасталиқдир. Шундай экан, мазкур иллатга қарши кураш олиб боришга нафақат давлат органлари, балки жамият ва умуман олганда барча фуқароларимиз ҳам бирдек масъулдирлар.

Шуни айтиб ўтиш мумкинки, коррупция ҳолатларининг кўриниши ва тавсифи жуда кўп. Айни дамга келиб унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, унга қарши курашишнинг самарали йўллари топиш бўйича бир қатор олимлар, халқаро ташкилотлар ва давлат органлари томонидан кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Яна бир муҳим масала – коррупциянинг энг кичик кўринишлари ҳам устун келадиган жойда ҳар қандай маънавий, ижтимоий-сиёсий ривожланиш шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам коррупцияга қарши кураш ишларининг

фаол субъекти ва тарғиботчилари ҳисобланадиган ёшларга алоҳида эътибор қаратиш, уларда ҳуқуқий онг ва маданиятни камол топтириш билан бир қаторда, халқимизнинг маънавий меросини мустақамлаш ва ривожлантиришни ҳам талаб этилади.

Бугунги кунга келиб жамиятда антикоррупцион тафаккурни шакллантириш жараёнида халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шакланмас экан, айрим номутаносибликлар, ҳуқуқбузарликлар жумладан турли хил кўринишдаги коррупцион ҳолатлар ҳам келиб чиқаверади.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишларимизни тизимли ва узвий тарзда олиб боришимиз керак. Айнан шундагина фуқароларимиз онгида коррупцияга қарши тоқатсизлик кайфияти аста – секинлик билан шаклланиб боради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга олсак жамиятда антикоррупцион тафаккурни шакллантиришда ёшларнинг ўрни нақадар салмоқли эканлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Шу ўринда, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчасига тўхталиб ўтсак.

Ҳуқуқий онг бу - жамият аъзоларининг мавжуд ҳуқуқий муносабатларни ва ҳуқуқни тушунишига, шунингдек, жавобгарликни ҳис қилиб амалдаги қонунларга онгли равишда амал қилиш тушунилади. Айнан онгли муносабатгина коррупцияга қарши курашда ишончли қурол ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият эса - умумий маданиятининг бир шакли ҳисобланиб, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиши тушунилади. Шунингдек, фақатгина жавобгарликдан қўрқибгина эмас, қоидалар сизнинг ва омманинг фойдасига ишлашини англаб қонунларни ҳурмат қилиш ва уларни бузмасликка айтилади.

Айтиш жоизки, коррупцияга қарши кураш борасида юқоридаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали жамиятдаги порахўрлик, тамагирлик каби ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни олдини олишда жамоатчилик назоратини жадаллаштириш, бундай жиноятларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жазо албатта муқаррарлигини ҳар бир шахс тўлиқ англаб етади. Ушбу икки тушунчаларнинг ёшлар онги ва шуурига сингдириш қанчалик мураккаб ва оғир вазифа бўлмасин, миллий тараққиётимизнинг объектив талабидир. Зотан, коррупция балоси миллат ва жамият тараққиёти ва фаровон ҳаёти учун нақадар мудҳиш иллат эканини тушунган, уни онгли равишда идрок этган одам эса бу жиноятга асло қўл урмайди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, бугунги кунга келиб юртимизда коррупцияга қарши сиёсатни олиб бориш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб

келинмоқда. Ушбу рақамларда келтирилган маълумотга эътиборимизни қаратадиган бўлсак мамлакатимизда “коррупция” сўзи ишлатилган 207 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжудлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида жамиятда коррупцияга қарши курашиш масалалари нечоғлик долзарблигидан далолат беради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан ҳулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунга келиб жамиятда антикоррупцион тафаккурни шакллантириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда, бунинг пировардида эса, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, таълим-тарбияси, ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, ёшларда коррупция иллатининг ҳар қандай кўринишига тоқатсизлик кайфиятини шакллантириш, уларни ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан етук ва баркамол авлод этиб тарбиялаш энг асосий мақсад ва муддаолардан бири ҳисобланади. Янги Ўзбекистонни эса ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз” [4].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. 07.12.2016 й.
2. The Anti-Corruption Plain Language Guide.
3. Федеральный закон Российской Федерации от 25 декабря 2008 г. N 273-ФЗ «О противодействии коррупции»
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>